

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 244 (11.305) Баҳои эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир куні


Янгиликлар, воқеалар

2008 — Ёшлар йили



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИ ВА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ЯНГИ АВЛОД – 2008» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧНИНГ ОЧИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«ЯНГИ АВЛОД» ИСТЕЪДОДЛАРИ



Киска сатрларда

- **РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими вазирлигида ўтказилган тадбирда тобора яқинлашиб келаётган Янги йил байрами арафасида мамлакатимиз вилоятлариغا Президент соғгалари юборилаётганлиги маълум қилинди.
- **КЕЧА** шахримизда Ўзбекистон-Туркия ўртасида савдо иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, корхоналараро ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган бизнес-форумда маҳаллий ва туркиялик ишбилармонлар иштирок этишди.
- **КЕЧА** Миробод туманидаги Фафур Гулом номли маданият уйида Уй хамшираси ва Сартарошлиқ курси битирувчиларига дипломлар топширилди.
- **КЕЧА** «Шодлик-Палас» меҳмонхонасида шахримизнинг фаол ёшлари иштирокида ўтказилган форум «Юксалиш сари» ёш тингловчилар мактаби ташаббуси билан уюштирилди.
- **ПОЙТАХТ** меҳмонхонасида «Paynet» компанияси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда автотранспорт воситаларини мажбурий суғурталаш жараёнида аҳоли учун компания томонидан жорий этилган янги хизмат турининг афзалликлари ҳақида сўз борди.
- **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Наврўз» никоҳ уйида туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ФХД бўлими ҳамкорликларида ташкил этилган «Оила — муҳаббат қасри» Ёш оила қурувчилар мактаби тингловчиларининг жорий йилги якуний ўқув машғулоти бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон экология ҳаракати ташаббуси билан экологлар, фаол ёшлар ва ҳаракат аъзолари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Ўзбекистоннинг экологик тараққиёти: мақсад ва вазифалар» деб номланди.
- **ШАХРИМИЗДА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институти шарқшунос олимлари иштирокида «Ўтмиш ва ҳозирги замон шажарасини ўрганиш: муаммо ва истиқболлар» мавзусида ўтказилган семинар Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви ҳамкорлигида уюштирилди.
- **ТУРКИСТОН** саройида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда «Ёшлик» талабалар шахарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликларида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.
- **КЕЧА** Тошкентга Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Бунёкдор» клуби тақдими билан Аргентина терма жамоаси аъзоси, Испаниянинг «Барселона» командаси моҳир футболчиси Леонель Мексис етиб келди ва «Чигатои» стадионида ёш футболчилар учун мастер-класс намойиш этди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан).*

«ЮКСАЛИШ МАКТАБИ» ИШ БОШЛАДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛОВЧИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА «ЮКСАЛИШ МАКТАБИ» ИШ БОШЛАДИ.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридagi нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўмағида ўтказилмоқда. Мазкур мактаб машғулотида ёшларга оид етакчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б.Шаропов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Р.Охунов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан юртимизда навақирон авлодининг камолоти йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган беш мингдан зиёд жамоат ташкилоти жамиятимизда демократик кадрларнинг мустаҳкамлани-

Шу муносабат билан ушбу мухташам саройга фестивалнинг якуний босқичи иштирокчилари, таълим, маънавият ва маърифат, маданият, санъат намояндалари тақдиф этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Ф.Шоуमारов, «Камалак» болалар ташкилоти раиси О.Жамолдинова, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б.Шаропов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган авлод камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни дунёда ҳеч қандам кам бўлмаган инсонлар этиб воғга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Ёшлар истеъдодини аниқлаш ва рўйбега чиқариш учун кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари давват этиш каби улғувор мақсадлар Президентимизнинг қарорларида, давлат дастурлари ва қонунларида ўз ифодасини топаётганлиги таъкидланди. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчиллик билан таъбиқ этилаётган туйфайли барпо этилаётган таълим-тарбия муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият ва маърифат даргоҳлари, санъат ва маданият

масканлари, болалар бадий ижодиёт марказлари ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга пухта билим ва тарбия бериш, маънавиятини юксалтириш, бадий-эстетик диддини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда юртимизда ўтказилаётган кўлаб кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар, бадий кўргазмалар ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон санъатининг нотиди дурдоналаридан баҳраманд бўлишида муҳим аҳамият касб этаётди. Бу каби зғу ишларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳар бир ишнинг орасида тобора оммалашиб бораётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали бунинг далилидир. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар иштирок этувчи ушбу фестивалда дастлаб уч юз нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашган бўлса, «Янги авлод - 2008»нинг илк босқичлари ўн олти мингдан ортиқ ёшни қамраб олди. Беллашувнинг якуний босқичида эса, беш юздан ортиқ истеъдод эгаси ўз маҳоратини кўридан ўтказмоқда. Фестиваль иқтидорлиларнинг чинакам янги авлодини кашф

этиши, ўғил-қизларни янги-янги ижодий марралар сари илҳомлантириши баробарида уларнинг салоҳиятини халқро микёсда намойиш этишга ҳам хизмат қилмоқда. Фестивалда ғолиб чиққан болалар ҳамда мусиқий жамоалар нафақат республика, балки хорижда ўтказилаётган турли танловлар, ижодий фестиваллар, болалар расмлари биеваллеси, концертларда муваффақият қозонаётгани бунинг далилидир. Ўн уч ёшли Назира Турдимуродова Нукус шаҳридаги 9-мактабда тахсил олади. Мазкур фестивалда у «Ғулолим» рақс жамоаси тарихида иштирок этмоқда. — «Янги авлод»да қатнашиш, Тошкентда бўлиш ҳар бир ўқувчининг ораси, — дейди Назира. — Санъат байрами бизга азим пойтахтимизга келиши, ўз санъатимиз, маҳоратимизни намойиш этиш, кўлаб дўстлар орттириш имконини бермоқда. Биз ушбу фестивалга дўгонларим билан «Хур гўзаллар» қорақалпоқ миллий рақсини тайёрлаб келдик. Юртимиз болалари орасида қатнаштиришга эга бундай тадбирда иштирок этаётганимиздан беҳад хурсандимиз. — Мен Тошкентга биринчи марта келишим, — дейди Жиззах шаҳридаги 19-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Шаҳод Азизов. — «Янги авлод» фестивалининг

якуний босқичига чиққанидан ота-онам, устозларим, ўртолқларим ҳам жуда хурсанд бўлди. Биз фестивалда «Нихол» бадий жамоаси тарихида қатнашамиз. Пойтахтимиздаги майдонлар, кўркам бинолар, санъат саройлари, музейларни кўриб лол қолдим. Зебинисо Давлатова — Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 41-мактаб ўқувчиси. У фестивалда она Ватан, истиқлол, азим Тошкент ҳақидаги туркум шеърлари билан қатнашмоқда. Зебинисонинг айтишича, «Янги авлод» унга фақат шеърят эмас, балки рақс, миллий ва муаммос мусиқа ижрочилиги, ҳонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби йўналишларда ҳам юртимизнинг барча вилоятларидан изланаётган тенгдошларининг ижоди билан яқиндан танишиш, устоз адиб ва шоирларни иқтидорини, маҳоратларини баҳра олиш имконини бермоқда. Фестивалнинг бир дафта давом этадиган якуний босқичи доирасида турли ўчрашувлар, кўргазмалар, ижодий мулоқотлар, экскурсиялар, концертлар, маҳорат сабоқлари бўлиб ўтади. Бу эса юртимизда ёшлар истиқболи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир. **Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири**

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Наманганда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Репродуктив саломатлик ва оилада маънавий-психологик муҳит ва уни соғломлаштириш» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Навоий вилоятидаги 16 нафар ёш ўқитувчининг уй-жой билан таъминланишига имкон яратди. Хусусан, турли туманларда истикомат қилувчи етти нафар ўқитувчига 90 миллион сўмлик ипотека кредити берилган бўлса, яна шунча муаллим уй-жой қуриш учун ер участкасига эга бўлди.
- Наманган шаҳридаги «BUNYOD-TEXTILE» тикувчилик-трикотаж фабрикаси маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Корхона 110,6 минг АҚШ доллари микдоридagi замонавий тикув-тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган. У тўла қувват билан ишлаб бошлагач, йилига 1 миллион дونا трикотаж маҳсулотлари ва 20 минг донагача бутланган маҳсус кийим-бош тайёрлаш қувватига эга бўлади. Мазкур корхонанинг ишга тушиши билан бу ерда 70 нафар йигит-қиз янги иш жойлари билан таъминланди.
- Янги йил арафасида Самарқандда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт байрами ўтказилди. Тадбир доирасида бир гуруҳ ижодкор ўқитувчи ва талабаларга, ёш қаламкашларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик соғвалари топширилди.
- 900 миллион сўмликдан кўпроқ микдордаги инсонпарварлик юклари жойланган «Эксолан» — Ўзбекистон темир йўллари» Саломатлик поезди Нукусга етиб келди.
- «Учқўргон» очик акциядорлик жамиятида иккита янги цех ишга туширилиши билан ишлаб чиқариш қувватлари кескин ортиди. Янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши ўсимлик ёғи чиқитини қайта ишлаш орқали хўжалик совуни учун зарур хом ашё — сарамас тайёрлаш имконини яратди.
- Яйпан шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 30 та корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа хўжаликлар 117 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Тадбир давомида 22 нафар фуқаро доимий иш ўринлари билан таъминланди.
- Қўшқўпир туманидаги «Ўзбекёл» қишлоқ врачлик пунктига Германиядан 20 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди.
- Чирокчи туманидаги Кўқдала кўрғонида «Leather Karshi» Ўзбекистон-Греция-Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонада тери қайта ишланиб, чарм маҳсулотлари тайёрланади. Хитойдан олиб келинган технология линия бир ойда 20 минг донагача терига дастлабки ишлов бериш қувватига эга.

ЖАҲОНДА

- Беларуссия Президенти Александр Лукашенко ҳамда Россия Федерацияси Бош вазир Владимир Путин 2009 йилда Россия газини Беларуссияга етказиб бериш тамойиллари юзасидан келишиб олишди.
- Исроил маъмурлари Мисрнинг Фазо секторига инсонпарварлик ёрдамни кўрсатишига ружат беришмоқда.
- Венесуэла Президенти Уго Чавес Каракасда тикланаётган йирик савдо маркази қурилиши тўхташиб, иншоотни давлат томонидан мусодара қилиш ҳақида буйруқ берди. Унинг фикрича, янги савдо маркази пойтахт маркази ҳаракатини мурракбаштириб қўяди. Чавеснинг вадасига кўра, қурилиши якунланмаган бино келгусида госпитал, мактаб ёки университет бўлади.
- АҚШнинг Денвер шаҳридаги халқаро аэропортда Хьюстонга парвозни амалга оширмоқчи бўлган «Continental Airbus» авиаккомпаниясига тегишли «Боинг-737» самолёти учиб йўлагада ёниб кетди. Ҳалокат туйфайли 58 кишининг жабрланганлиги айтилмоқда. Қурбонлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.
- Италия полицияси ўтган ойда Милан шаҳрига ноқонуний равишда олиб қилинган 40 килограмм қора икрани мусодара қилди. Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари қарорига кўра, ушбу маҳсулот шаҳардаги кам таъминланган оилаларга тарқатилади.
- Мумбайдаги «Тождмаҳал» меҳмонхонаси маъмурияти меҳмонхонага террорчилар ҳужум қилган чоғда кўпгина гаровга олинганлар ўлимига полиция хизматчиларини айбдор деб ҳисобламоқда. Зеро, меҳмонхона ташлаб чиқишга уринган пайтда ўлдирилган 20-30 нафар фуқаронинг ҳаммаси у ерни полиция маслаҳати билан тарқ этаётган эди.
- Бутунжаҳон банки Польшага 975 миллион евро микдоридa заём беришга қарор қилди.
- Кеча жаҳон савдо биржаларида ўтказилган савдоларда нефть нархининг пайсийлиги кузатилди. Жумладан, Лондондаги савдоларда бир баррел нефтининг нархи 41,45 доллар микдоридa қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда ушбу кўрсаткич 39,91 долларни ташкил этди.

(ЎЗА).

Кўрғазмалар

БОБОЛАРИМИЗДАН ҚОЛГАН МЕРОС

БУ — МАХАЛЛА ҲАҚИДА, ЯЪНИ Кундалик ҳаётимиз, урф-одатларимиз, ҳуллас асрлар давомиди шаклланиб келган, шу билан бирга авлодлардан авлодларга ўтиб, аммо ўзига ҳослигини йўқотмаган турмуш тарзимиз тўғрисида айрилган сўзudir. Маҳалланинг ноёблиги ҳам, назаримизда, айнан турмушимизнинг ўзига хос шакли билан белгиланади.

Шу кунларда пойтахтимиздаги Фото уйида намоиш этилаётган кўрғазма билан яқиндан танишган ҳар бир кишининг ҳаёлида шу йиллар кечадиди, десак муболаға бўлмайдик. Ҳаётимизнинг оддий ҳақиқатига айланган маҳалла ҳақида ҳикоя қилувчи бу фотокўрғазма «Маҳалла» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, бир ой давом этиши kutilмоқда.

Бу ерда намоиш қилинаётган 500 га яқин профессионал ва ҳаваскор ижодкорларнинг фотосуратлари бир қарашда маълум мавзунинг таърифнамаси ҳам мумкин — ҳар бири ўз маъносига эга, демек ўзига яраша мантиқлики мумассам этади. Шу билан бирга суратлар маъмувий тўпلامда бизга яқин таниш, яқин, ҳаттоки қарддон бўлиб қолган воқеликлардан дарак беради. Бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш, муҳтожларга кумақлашиш, катталарга ҳурмат қўриб, ёшларни иззат қилиш, адашганларга инсонпарвар бўлиш — буларнинг бари меҳр-мурувват ва ўзаро ҳамжиҳатликка йўғрилган кундалик ташвишларимиз, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳаммамизнинг бирдэй дхлдорлигимиз ифодаси, ҳаётимизнинг кўзгу-

си бўлиши тузилма — маҳалладир. Кўрғазманинг «Маҳалладан бошланур Ватан» деб номланиши ҳам шу боисдандир.

— Бу кўрғазма иккинчи марта ташкил этилаётган бўлса-да, аслида бу борадаги дастлабки уринишлар бағрикенглик, тинчлик-товуллик тинимли бўлиши маҳалла мавзусидаги фотокўрғазмалар Люксембург, Голландия, Франция, бошқа Европа давлатларида, ҳаттоки НАТОнинг бош штабиди ҳам намоиш этилган, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёев. — Бугунги кунда саъй-ҳаракатларимиз ташкилотчилар доирасидан ўтиб, кўпчиликнинг ишига айланганининг гувоҳимиз. Дунёда мурақаб ҳараёллар кечаётган бир пайтда ўзлигимизни аниқлашчи маҳалла оёйсойиша, фаровон ҳаётимиз асосига айлиниб, ҳамжиҳатликка давлат ётувчи омили сифатида бизга хизмат қилаётди. Фотоларҳаларда чекка-чекка кишлоқ юмушлари ҳам тасвирланган. Шарҳ ва қишлоқ ҳаётини эса маҳалла бирлаштиради. Айтиб ўтиш жоизки, ўтган йили мавзунини бундай кенг ёрита олмагандик. Бу сафар бир неча босқичда танлов эълон қилиниб, республикамизнинг барча минтақаларини камраб олиш имконияти бўлди.



Яқунловчи босқичга сараланган асарлар юзасидан ҳакамлар хайъати ўз фикрини билдирди. Тўртта асосий ҳамда ўндан зиёд номинида яна буйича муқофотлар белгиланди. Аммо ҳақиқий голибликка даъвогарларни аниқлаш томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётди.

Яъни маълумки, маҳаллага бағишловлар шеъринг, насрий асарларда, расомлар тасвирларида ўз аксини топанган. Маҳалла ҳақидаги битикларнинг тарихий ҳужжатларда, буюк аждодларимиз қўлёзмаларида ҳам қўп учраши мумкин. Фотосуратларда биз ҳаёт лажаларини муболағасиз, бўрттирмаларсиз, тўқималарсиз, қандай бўлса, шундай тасвирланган ҳалоратда кўриш имкониятига эга бўламиз. Хайъат аъзолари томонидан биринчи ўринга Шавкат Зулфиркоровнинг «Болалардан қолган мерос» асари сазовор деб топилгани, ўйлаймики, томошабинларнинг



ҳам фикрига ҳамоҳанг келди. Бу суратда нафақат унинг мазмуни — ниҳол ўтказишга шайланган икки қария тасвирлангани, балки ўзига хос номи ҳам эътиборга олинган, десак адашмаймиз. Боболаримиз мероси деганда, кўз ўнгимизда, дарҳақиқат, турмуш тарзимизнинг ноёб хусусиятлари гавдаланади. Демак, қайд этилган асарнинг моҳияти ўз номи билан кўрғазмага қўйилган асарият фотоларҳаларда очиб берилган дейиш мумкин.

Бугунги кун маҳалла ҳаёти, шубҳасиз, аждодларимизнинг турмуши намунасидаир. Бундай ноёб маҳалла ҳаёти тарзи келажак авлодлар томонидан ҳам давом этирилишига ишончимиз комил.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА
СУРАТЛАРДА: танлов голиби Шавкат Зулфиркоров, кўрғазмадан лавҳа.
Алексей Попов олган суратлар

СЕРГЕЛИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ, УНИНГ

СЕРГЕЛИ ТУМАН АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ, ТУМАН СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ, ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ, ТУМАН ЁНГИН ҲАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ, УШБУ ТУМАНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЎТГАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ, ШУНИНГДЕК, КЎПЛАБ КИЧИК КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ИШТИРОКИДА «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯРАТИЛАЎТГАН ҚЎЛЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА ТЎЎСКИЛИК ҚИЛАЎТГАН МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАР» МАВЗУИДА ОЧИҚ МУЛОҚАТ — СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ.

АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ

Тадбирни кириш сўзи билан очган Сергели туман ҳоқимининг ўринбосари Ботир Шоисломов юртимиз иқтисодиёти равнақига ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган, элу юрти фаровонлиги йўлида интилаётган, нафақат ўзини, балки халқини бой қилишга астойдил бел болаган тадбиркорлар сафи йилдан йилга ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, жумладан, ишбилармонлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканлиги га танаққил эътиборни қаратди. Хусусан, ушбу соҳадаги босқинча-босқин амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш тадбиркорлардан чукур билим, доимий изланиш, ҳамжиҳатлик, маҳорат, ташаббускорлик талаб қилиши ҳам айтаётгандир.

Шунингдек, маъмур йиғилишида сўз олган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси тадбиркорлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлим бошлиғи Шавкат Турғунов, туман солиқ инспекцияси бўлим раҳбари Рустамжон Аҳмаджонов, «Микрокредитбанк»нинг етакчи мутахассиси Самад Эрхонов, Сергели туман ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Дилором Сабаева ва бошқалар семинар кун тартибига қўйилган бизнес вақиллари ва ҳоқимлик тузилмалари, назорат қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка эришиш орқали тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эмин-эркин фаолиятига ҳов бўлаётган айрим тўсиқ ҳамда муаммоларни бартараф этишга кумақлашиш, «Солиқ кодексини», «Божхона кодексининг янги таҳрири лойиҳаси ҳақида, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тўғрисида, маҳаллий ҳоқимият ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик фаолиятига асоссиз аралашувлар ва туман бандликка кумақлашувчи марказнинг иш фаолияти, аҳолининг бандлиги масаласининг ечими борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича маълумот беришид.

Қарорлар ижросини таъминлашга бағишланган семинар йиғилиши давомида қатор амалий таклифлар ҳам кирилганлиги эътиборга молик.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, ШУ АСОДА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг сармоя сарфлаш учун битмас-туганмас бозори кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини ўрнатитиш ва ривожлантириш имкониятларини унга бўлган қизқиқишнинг кучайтиришда. Ҳозирги кунда биздаги иқтисодий ислохотлар янги босқичга қадам қўйди. Хорижий инвесторлар учун улкан имкониятлар мамлакатига айланган юртимизда уларнинг самарали фаолият қўрсатишлари учун барча қўллай шарт-шароитлар яратилган. Юртнобимиз ташаббус билан Республика Ташкилотидаги алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик хузурида ташкил этилган «Узининвест» агентлиги ҳам хорижий ишбилармонларга хизмат қўрсатишга мўлжалланган.

Энг муҳим жиҳати шундаки, чет эл инвестицияларини жалб этиш иқтисодиётини эркинлаштириш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Хориж сармоясининг

иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги иштирокини кенгайтириш — халқ ҳўжалигида таркибий ўзгаришлар ҳамда модернизациялашни амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бу ўринда маъмур соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун солиқ имтиёзларининг белгилаши алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Шу мақсадда Молия вазирилик қўрсатаётган корхоналар сони талайгина. Маъмур субъектлар ҳам қонунда белгиланган тартибда яратилган имтиёз ва қўлайликлардан умумий фойдаланишмоқда.

Яққасарой туманида фаолият қўрсатаётган корхоналар сони талайгина. Маъмур субъектлар ҳам қонунда белгиланган тартибда яратилган имтиёз ва қўлайликлардан умумий фойдаланишмоқда.

Шухрат АРИПОВ,
Яққасарой тумани,
ДСИ шўба бошлиғи

Маданият масканларида

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ЎТҚАЗИЛДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ МУҚАРРАМА ТУРҒУНБОВА НОМИДАГИ МАДАНИЯТ УЙИ РАҲБАРЛИГИГА МУҚАРРАМ ОРТИҚОВА ТАЙИНЛАНИБ, БАДИЙ РАҲБАР СИФАТИДА ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИС ЙЎЛДОШ ШАРИПОВ ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН ТЎГАРАКЛАР ИШИ РИВОЖЛАНИБ, РАНГ-БАРАНГ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛА БОШЛАНДИ.

Албатта, бундан яқин атрафдаги «Оқибат», «Янгилик», Уста Ширин ҳамда Жоний маҳаллари аҳли ҳам ҳурсанд. Жумладан, кунини кеча маданият уйида кириб келаятган Янги йил арафасида «Кулги ва қўшиқ кечаси» тадбири уюштирилди.

Шу кунини маданият уйи залига йиғилган маҳаллар аҳли дилига Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов ва Рўза Каримова билан ўтказилган ижодий учрашувлар, улар иштирокидаги қувноқ интермедиялар бир олам завқ-шавқ бағишлади.

Даврани олиб борган Абдуманноп Тожиевнинг лирик шеърлари, танкичи санъаткорлар Зафар Давлатёров, Фо-

тима Сапоева, Мираҳмад Комилов, Фирдавс Паазлетдинов, Эркин Қаҳорларов ҳам ўз чиқишлари билан тадбирга байрамона руҳ бағишлашди.

— Келгусига мўлжалланган режарларимиз бисёр, — дейди маданият уйи бадий раҳбари Йўлдош ака Шарипов. — Кўчага ва маданият уйига ном қўйилган Ўзбекистон халқ артисти Муқаррама Турғунбобоевнинг хотира кечасини ўтказиш, танкичи санъаткорлар, яқин-атрофдаги маҳалларда яшаётган табарруқ ёшдаги кексаларнинг юбилейларини ташкил этиш шулар жумласидандир.

(Ўз мухбиримиз)

Танловлар

ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИС

ЯҚИНДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР КУТУБХОНА СИДА «АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРНИ, ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ «КАМОЛОТ» ЁИХ МАРКАЗИЙ КЕНҒАШИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҲАМДА МАЗКУР КУТУБХОНА ҲАМКОРЛИҚДА ЎТҚАЗДИЛАР.

— Бугунги кунда Ахборот-ресурс маркази мутахассиси касби инсондан чукур билим, маҳорат ва сабр-тоқат талаб этади, — дейди Республика Болалар кутубхонасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Умида Раимбекова. — Бу касб эгалари инсонларга китоблардан зиё улашдиладир, ҳозирги замон кишининг ҳар томонлама етуқ, маънавий баркамол бўлишлари йўлида захмат чекиб меҳнат қиладилар. Ана шундай мутахассисларни аниқлаш мақсадида республикамизда илк мартаба «Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси» кўрик танловини ўтказмоқдамиз. Бундан мақсад республикамиздаги мавжуд кутубхоналарда миллий истиқлол гофиятини, маънавий ва маърифат оид билимларини болалар онгига сингдириш борасида

AFM нинг энг илгор, ташаббускор мутахассисларини аниқлаш ва тажриба алмаштириш иборатидир. Ўйлаимизи, ушбу танлов мутахассисларнинг фаоллигини ошириш, ижодий ёшлар гуруҳини янада кенгайтириш, энг зукко билимдонларни аниқлаш ва уларнинг тажрибаларини оммалаштириш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда китобхоналарга хизмат курсатиш самардорлигини ошириш имконини беради.

Кизиқарли ва таассуротларга жуда бой бўлган танлов мазмуни ва мароқли яқунланди. Танловда иштирок этган 14 нафар ахборот-ресурс маркази ходимлари ўзларининг бор иқтидор ва истезодларини намоиш қилдилар.

Танловнинг Республика босқичи голиблигига муносиб деб, олий ўринга Фаргона вилоятидан О.Отабоева, биринчи ўринга эса Тошкент шаҳридан М. Худойбердие-

ва муносиб деб топилди ва танлов голиби деб эълон қилинди.

— Мен голиб бўлишни чин дилдан истаган эдим, — дейди биринчи ўринни қўлга киритган ҳамшаҳримиз, Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактаби қошидаги Ахборот-ресурс маркази мутахассиси Матлуба Худойбердиева. — Жудаёям ҳурсандман. Бу танлов барча иштирокчилар сингари менда ҳам катта таассурот қолдирди. Кўпчилик ҳамкасбларим қатори, билимимни янада мустаҳкамлаб олишга ҳам мўваффақ бўлдим. Бу мўваффақият мени ўз ичиде янада кўпроқ ишлашимда, изланишимда ва қатор мақсадли режарлар тузишимда рағбатли бир турти бўлди. Танловнинг ташкилотчилари ва хомийларига барча ҳамкасбларим номидан миннатдорчилик билдириб қолам.

(Ўз мухбиримиз)

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА — МУҲИМ ҲИССА

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ ДИНАМИК ТУЗИЛМА БЎЛИБИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛАЎТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРГА УЙҒУН ТАРЗДА РИВОЖЛАНМОҚДА. СОҲАНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

2001 йилда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан «Ўзбекэнерго давлат — акциядорлик компаниясини («Ўзбекэнерго ДАК») ва мустақил электр энергетикасида назорат бўйича давлат инспекциясини («Ўздавэнергоназорат» инспекциясини) ташкил этилиши энергетика соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичига асос солди.

2004 йил 800 МВт қувватга эга бўлган Тўлимаржон электр станциясининг ишга туширилиши Ўзбекистон энергетикасида мамлакатимиз Президентининг томонидан соҳани изчил ислохот қилиш борасидаги берилган тасвияларни бажаришга тўлиқ қўрсатди.

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясини электр энергетика соҳасида норма қоидаларига риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва унинг асосий вазифалари этиб электр энергияси, иссиқлик энергиясининг оқилана ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланиш хавфсизлик таъминлишига йўналтирилган олдинги олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш, зарур норматив ҳужжатлар ва

қоидаларини ишлаб чиқиш, энергетика текширишлари ва экспертизаларини ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш белгиланган.

Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларида худудий бўлимлари бўлиб мамлакатимиз Президентининг энергетика соҳасидаги қарорларнинг бажарилишини ва энергетика тизимидаги ислохотларнинг амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун ишончли энергетика базаси яратилиб, ҳақиқий энергетика мустақиллиги таъминланди.

Эндиликда Ўзбекистон энергетика тизими республика халқ ҳўжалиги ва аҳолисининг электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини ўла-тўқис таъминлаб республика иқтисодиётини янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Санжар КОДИРОВ,
«Ўздавэнергоназорат» инспекциясини
Тошкент шаҳар худудий бўлими бошлиғи



ФАМИЛИЯ, ИСМИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИМИСIZ?

Оила аъзоларимиздан икки кишининг исми уларнинг ўзларига ҳам ёқмайди, чунки бу исмлар лақабларга яқин туради. Шу боис исми ёқмай қилини уларнинг учун кимга ва қанча мурожаат этиш кераклигини айтсангиз.

Т. Камолов,
Учтепа тумани.

— Фамилия, исми ёқмай қилини уларнинг ўзларига ҳам ёқмайди, чунки бу исмлар лақабларга яқин туради. Шу боис исми ёқмай қилини уларнинг учун кимга ва қанча мурожаат этиш кераклигини айтсангиз.

Фамилия, исми ёқмай қилини уларнинг ўзларига ҳам ёқмайди, чунки бу исмлар лақабларга яқин туради. Шу боис исми ёқмай қилини уларнинг учун кимга ва қанча мурожаат этиш кераклигини айтсангиз.

Фамилия, исми ёқмай қилини уларнинг ўзларига ҳам ёқмайди, чунки бу исмлар лақабларга яқин туради. Шу боис исми ёқмай қилини уларнинг учун кимга ва қанча мурожаат этиш кераклигини айтсангиз.

АГАР ЛОМБАРДА ҲИШИНГИЗ ТУШСА...

Бу юм-ашёларни ломбарда гаровга қўймоқчи эдик, лекин унинг тартиб-қоидаларини хабардор эмасмиз. Шу ҳақда кенгроқ маълумот берсангиз.

Ҳожи Асроров,
Султон Азимов,
Юнусобод тумани.

Фўқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қиска муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш иктисослашган ташкилотлар — лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбарда ашёларни гаровга қўиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлантирилади.

Гаровга қўилаётган ашёлар ломбарда топширилади. Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нарҳларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаш шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Ушбу ташкилот ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши энгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаसा, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбарда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилган тақдирда, ломбард нотариусининг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир олий муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда (Фўқаролик кодекси 281-моддасининг 3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 9- ва 10-қисмлари) ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин хатто гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қановатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчи (қарздор)га талаблари бекор бўлади.

Ломбарда ашёларни гаровга қўиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ушбу кодекс ёқи бошқа қонунлар билан унга берилган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзиндан ҳақиқий эмас.

Тошкент Давлат Цирки

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўқувчиларнинг қишқик таътил кунларида барча ёш томошабинларни «Насриддин Афандининг янги эртақлари» цирк спектаклига таклиф этамиз.

Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар совиндорлари иштирокидаги янги дастур намоишида кутамиз.

Дастурдан ўргатилган хайвонлар: уссури йўлбарслари, кўнгирай айиқлар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масҳарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган.

Томоналар шанба кунлари соат 15.00, яқинбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади.
Маълумотлар ҳамда жамуавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.

